



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 5

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№5 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-5>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxanova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Artikov Dilmurod Raxmatillayevich	
MA’MURIY SUD ISHLARINI YURITISH PRINSIPLARINING YURIDIK TAVSIFI.....	5
2. Sayfullaeva Venera Nimatjonovna	
AXBOROT XAVFSIZLIGI SOHASIDA SUN’IY INTELLEKT HUQUQIY KONSEPSIYASINING SHAKLLANISHI.....	14
3. Бойтураев Дилшод Маматкарим угли	
ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ РЕОРГАНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВ С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ В УСЛОВИЯХ РЕФОРМИРОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	26
4. Hazratqulov Zahridin Sobirjanovich	
KREDIT SEKTORIDA QONUN BUZILISHLARI HOLATLARIGA QARSHI KURASHNI MUVOFIQLASHTIRISHDA PROKURATURA ORGANLARI FAOLIYATINING NAZARIY-HUQUQIY VA AMALIY JIHATLARI.....	40
5. Khamidov Nurmukhammad Orif ugli, Najimova Jamola Davron qizi	
ARTIFICIAL INTELLIGENCE AND THE FUTURE OF CRIMINAL LIABILITY: A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS.....	50
6. Hojiyev Nosirjon Komilovich	
GIYOHVANDLIK VOSITALARINI, ULARNING ANALOGLARINI YOKI PSIXOTROP MODDALARNI ISTE’MOL QILISHGA JALB ETGANLIK UCHUN JAVOBGARLIK: XORIJIY TAJRIBA.....	59
7. Qo’chqarov Jaloliddin Nurilla o’g’li	
MEHNATNI MUHOFAZA QILISH QOIDALARINI BUZISH UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNING KELIB CHIQISHI HAMDA UNING AHAMIYATI.....	67
8. Утаев Хусниддин Хуррамович	
РАҚАМЛИ МУҲИТДА ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИ ЖИНОИЙ ҲУҚУҚИЙ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	74
9. Нодиров Музаффар Ахмадович, Хайдарова Шохида Ахрор кизи	
ОЦЕНИВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОКУРОРОВ.....	81
10. Ummatov Muhammadrasul Tursunovich	
KOMPYUTER AXBOROTIDAN QONUNGA XILOF RAVISHDA FOYDALANISH JINOYATLARINI TERGOV QILISHDA YUZAGA KELADIGAN MUAMMOLAR.....	93
11. Хамдамова Фируза Уразалиевна	
ПРАВО РЕБЁНКА НА ДОСТУП К ИНФОРМАЦИИ И ЗАЩИТУ ОТ ВРЕДОНОСНОГО КОНТЕНТА.....	100
12. Султонов Абдулла Тоштемир ўғли	
ФИШИНГ ВА ОНЛАЙН ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108



Утаев Хусниддин Хуррамович,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси
E-mail: utaevhusniddin6@gmail.com

РАҚАМЛИ МУҲИТДА ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИ ЖИНОЙ ҲУҚУҚИЙ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Utaev Khusniddin Khurramovich. ISSUES OF CRIMINAL LAW ASSESSMENT OF THE OBJECTIVE ELEMENTS OF FRAUD IN THE DIGITAL ENVIRONMENT. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 5.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.22235211>

АННОТАЦИЯ

Мақолада рақамли муҳитда содир этиладиган фирибгарлик жиноятининг объекти, предмети ва объектив томони жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Унда анъанавий фирибгарлик таркиби билан ахборот технологиялари орқали амалга ошириладиган фирибгарлик ўртасидаги фарқли жихатлар очиб берилади. Рақамли активлар, электрон пул маблағлари, шахсий маълумотлар ва ахборот тизимлари хавфсизлиги билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ушбу жиноятнинг қўшимча объекти сифатида баҳолаш зарурлиги асосланади. Шунингдек, алдовнинг техник воситалар орқали амалга оширилиши, рақамли далилларни тўплаш ҳамда трансчегаравийлик билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: рақамли фирибгарлик, ахборот технологиялари, жиноят объекти, объектив томон, рақамли далиллар, кибермакон, трансчегаравий жиноятчилик, электрон тўловлар.

Утаев Хусниддин Хуррамович,
Самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: utaevhusniddin6@gmail.com

ВОПРОСЫ УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ ОЦЕНКИ ОБЪЕКТИВНЫХ ПРИЗНАКОВ МОШЕННИЧЕСТВА В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ

АННОТАЦИЯ

В статье с точки зрения уголовного права анализируются объект, предмет и объективная сторона мошенничества, совершаемого в цифровой среде. В ней раскрываются отличительные особенности традиционного состава мошенничества и мошенничества, совершаемого с использованием информационных технологий. Обосновывается необходимость оценки общественных отношений, связанных с цифровыми активами, электронными денежными средствами, персональными данными и безопасностью информационных систем, в качестве дополнительного объекта данного преступления. Также анализируются проблемы, связанные

с осуществлением обмана посредством технических средств, собиранием цифровых доказательств и трансграничным характером таких преступлений.

Ключевые слова: цифровое мошенничество, информационные технологии, объект преступления, объективная сторона, цифровые доказательства, киберпространство, трансграничная преступность, электронные платежи.

Utaev Khusniddin Khurramovich,

Independent Researcher at Tashkent State University of Law

E-mail: utaevhusniddin6@gmail.com

ISSUES OF CRIMINAL LAW ASSESSMENT OF THE OBJECTIVE ELEMENTS OF FRAUD IN THE DIGITAL ENVIRONMENT

ANNOTATION

The article analyzes, from the perspective of criminal law, the object, subject matter and objective elements of fraud committed in the digital environment. It reveals the distinctive features of the traditional corpus delicti of fraud and fraud committed through the use of information technologies. The need to consider social relations related to digital assets, electronic funds, personal data and the security of information systems as an additional object of this crime is substantiated. The article also analyzes the problems associated with deception carried out by technical means, the collection of digital evidence and the cross-border nature of such crimes.

Keywords: digital fraud, information technologies, object of crime, objective elements, digital evidence, cyberspace, cross-border crime, electronic payments.

Кириш

Ахборот технологияларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши жиноятчиликнинг шакли ва механизмини ҳам ўзгартирмоқда. Бугунги кунда фирибгарлик фақат бевосита мулоқот, қоғоз ҳужжат ёки оддий молиявий битимлар орқали эмас, балки мобил иловалар, электрон тўлов тизимлари, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва фишинг платформалари орқали ҳам содир этилмоқда. Бу ҳолат жиноят ҳукукида фирибгарликнинг анъанавий таркибини рақамли муҳит талаблари асосида қайта баҳолашни тақозо этади.

Мақоланинг мақсади рақамли муҳитда фирибгарлик жиноятининг объекти, предмети ва объектив томонини комплекс таҳлил қилишдан иборат. Бунда асосий эътибор мулкчилик муносабатлари билан бир қаторда ахборот тизимлари хавфсизлиги, рақамли активлар ва шахсий маълумотлар ҳимояси каби янги ижтимоий муносабатлар жиноят ҳукуки муҳофазаси доирасига қандай киритилиши лозимлигига қаратилади.

Жиноят объектининг рақамли муҳитдаги мазмуни

Фирибгарлик жиноятининг объекти жиноят ҳукуки назариясида мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. М.Ҳ. Рустамбаев Жиноят кодексини тизимий таҳлил қилган ҳолда фирибгарлик жиноятининг умумий объекти жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар мажмуаси, туркум объекти мулкчилик муносабатлари, бевосита объекти эса мулкдор ёки бошқа шахснинг аниқ мулкига нисбатан бўлган мулкчилик муносабатлари эканини асослайди[1]. Ушбу ёндашув классик фирибгарликни тушуниш учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Амалдаги жиноят қонунида фирибгарликнинг асосий ҳуқуқий формуласи сақланиб қолган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёхуд ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш сифатида белгиланган[2]. Ушбу қоидада жиноятнинг марказий белгиси мулккий манфаатга тажовуз қилиш, алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш ва ноқонуний қўлга киритиш ҳаракати орқали намоён бўлади.

Бироқ рақамли муҳитда фирибгарлик объектини фақат анъанавий мулкчилик муносабатлари билан чеклаш етарли эмас. Чунки жиноят содир этилиши жараёнида нафақат пул маблағлари ёки мулккий ҳуқуқлар, балки электрон тўлов тизимларининг барқарор ишлаши,

банк карталари маълумотлари, шахсий идентификация маълумотлари, akkaунтлар, рақамли ҳамёнлар ва ахборот тизимларининг ишончилиги ҳам зарар кўради.

Суд амалиётида фирибгарликнинг классик мазмуни ўзганинг мулкани ҳақ тўламай эгаллаш билан боғланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми фирибгарликни ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳақ тўламай эгаллаш, бунинг таъсирида мулк эгаси ёки бошқа шахс мулкни айбдорга бериши билан боғлайди[3]. Рақамли фирибгарликда эса мулкни бериш ҳар доим ҳам жабрланувчининг бевосита иродавий ҳаракати билан боғлиқ бўлмайди. Айрим ҳолларда жабрланувчи маълумотларни киритади, тизим транзакцияни автоматик бажаради, натижада мулкий зарар юзага келади.

Шу нуқтаи назардан, рақамли фирибгарликнинг объекти икки қатламли хусусиятга эга. Биринчи қатлам мулкчилик муносабатлари бўлиб, бу фирибгарликнинг анъанавий табиатини сақлайди. Иккинчи қатлам ахборот тизимлари хавфсизлиги, электрон маълумотларнинг дахлсизлиги ва рақамли ишонч муҳитини ўз ичига олади. Агар иккинчи қатлам етарли даражада инобатга олинмаса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги тўлиқ баҳоланмай қолади.

Жиноят предмети ва рақамли активлар масаласи

Фирибгарлик предмети аниқлаш уни квалификация қилиш учун асосий аҳамиятга эга. А.А. Таштемиров ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятининг предмети сифатида ўзганинг мулки ва ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни кўрсатади[4]. Бу ёндашув рақамли муҳитда ҳам ўз кучини сақлайди, аммо предметнинг моддий ифодаси ва шакли ўзгарган.

Рақамли иқтисодиёт шароитида мулк тушунчасини фақат нақд пул маблағлари ёки моддий буюмлар билан чеклаб талкин қилиш етарли эмас. Электрон ҳисобдаги маблағлар, банк картаси орқали амалга ошириладиган тўловлар, рақамли ҳамёндаги активлар, криптовалюталар, виртуал мулк ва электрон шаклдаги талаб ҳуқуқлари ҳам мулкий қийматга эга. Демак, улар фирибгарлик предмети сифатида ҳуқуқий муҳофазага муҳтож.

Объектив томоннинг назарий асослари

Фирибгарликнинг объектив томони жиноятнинг ташқи ифодасини англатади. У ижтимоий хавfli ҳаракат, оқибат ва улар ўртасидаги сабабий алоқадан иборат. В.Н. Кудрявцев объектив томонни таҳлил қилар экан, унинг белгилари жиноят ҳуқуқи назариясида зарурий ва факультатив белгиларга ажратилишини таъкидлайди[5]. Бу қоида рақамли фирибгарликни баҳолашда ҳам методологик аҳамиятга эга.

Зарурий белгилар фирибгарлик таркибининг мавжудлигини белгилайди. Булар алдов ёки ишончни суиистеъмол қилишга асосланган ҳаракат, мулкий зарар ва ушбу ҳаракат билан зарар ўртасидаги сабабий боғланишдир. Рақамли муҳитда бу элементлар сақланади, аммо уларнинг амалга ошиш механизми ўзгаради.

Факультатив белгилар эса жиноят содир этиш усули, воситаси, жойи, вақти ва шароитини қамраб олади. Анъанавий фирибгарликда ушбу белгилар ҳар доим ҳам квалификацияга ҳал қилувчи таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликда эса усул ва восита жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини аниқлашда асосий ўринга чиқади.

Алдов усули ва техник восита ўртасидаги нисбат

Рақамли фирибгарлик бўйича энг мунозарали масалалардан бири алдов кимга ёки нимага қаратилгани билан боғлиқ. Я.В. Самулина компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарликнинг анъанавий фирибгарликдан фарқини алдов ва ишончни суиистеъмол қилишнинг одамга эмас, балки техник қурилмага қаратилгани билан изоҳлайди[6]. Бу ёндашув компьютер тизимлари иштирокида содир этиладиган жиноятларни анъанавий фирибгарликдан ажратишга қаратилган.

Ушбу ёндашувни тўлиқ қўллаб-қувватлаш назарий жиҳатдан баҳслидир. Чунки компьютер, ахборот тизими ёки бошқа техник қурилма инсонга хос онг, ирода ва ишонч муносабатига эга эмас. Шу сабабли уларни классик маънодаги алдов таъсирига тушувчи субъект сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Бундай ҳолатларда техник восита алдов

қаратилган объект эмас, балки алдовни амалга ошириш, жабрланувчига таъсир кўрсатиш ва мулкый натижага эришиш учун фойдаланиладиган восита сифатида намоён бўлади.

Фишинг мисолида бу ҳолат яққол намоён бўлади. Жиноятчи сохта веб-сайт яратади, унинг дизайни ва хабар матнини банк ёки давлат органи расмий ахборот ресурсларига ўхшатади, жабрланувчи эса ўз шахсий ёки тўлов маълумотларини киритади. Бу жараёнда алданган субъект компьютер эмас, балки инсон ҳисобланади. Компьютер эса алдовни етказиш, маълумотларни қабул қилиш ва мулкый натижага эришиш жараёнида фойдаланиладиган техник восита сифатида намоён бўлади.

Рақамли фирибгарликда алдаш усулини икки босқичли модель асосида тушунтириш мақсадга мувофиқ. Биринчи босқичда инсон онгига таъсир кўрсатувчи ижтимоий муҳандислик амалга оширилади. Иккинчи босқичда эса ахборот тизими орқали мулкый натижа юзага келтирилади. Мазкур модель классик фирибгарликнинг ҳуқуқий моҳиятини рақамли муҳитнинг техник хусусиятлари билан уйғун ҳолда тушунтириш имконини беради.

Жиноят содир этиш жойи ва трансчегаравийлик

Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган фирибгарликнинг муҳим белгиси унинг трансчегаравий хусусиятидир. Бундай жиноятларда жиноятчи бир давлатда, жабрланувчи бошқа давлатда, сервер учинчи давлатда, пул маблағлари эса яна бошқа юрисдикцияда жойлашган бўлиши мумкин. Шу сабабли жиноят содир этилган жойни аниқлаш анъанавий жиноятларга нисбатан анча мураккаб.

Е.П. Зенченко ва Н.В. Ивлиева ахборот технологиялари орқали содир этиладиган фирибгарликда жиноят содир этилган жойни аниқлаш жиддий муаммоларни юзага келтиришини таъкидлайдилар[7]. Мазкур муаммо нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. У жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга органни аниқлаш, қўлланиладиган миллий қонунчиликни белгилаш, рақамли далилларни олиш ва расмийлаштириш тартибини танлаш ҳамда жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш каби масалаларга бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон амалиёти учун мазкур масаланинг аҳамияти жуда юқори. Чунки банк карталари, халқаро тўлов тизимлари, ижтимоий тармоқлар ва хорижий серверларда сақланаётган маълумотлар билан боғлиқ жиноятларда рақамли излар миллий ҳудуддан ташқарида бўлиши одатий ҳолга айланмоқда. Тергов самарадорлиги эса халқаро ҳуқуқий ёрдам, тезкор маълумот алмашиш ва рақамли далилларни сақлаш тартибига боғлиқ.

Жиноят содир этиш воситалари ва ижтимоий муҳандислик

Бугунги амалиётда фирибгарлар кўпинча техник бузишдан кўра инсон психологиясига таъсир қилишга таянади. Масалан, шошилиш ҳолат яратиш, банк картаси блокланиши ҳақида хабар бериш, таниш ёки қариндош овозини тақлид қилиш, ишончли ташкилот номидан мурожаат қилиш каби усуллар кенг тарқалган. Шунинг учун рақамли фирибгарликни фақат техник жиноят сифатида эмас, балки психологик манипуляцияга асосланган мулкый жиноят сифатида ҳам баҳолаш лозим.

Ижтимоий муҳандисликнинг хавфи шундаки, у техник ҳимоя чораларини четлаб ўтиши мумкин. Ҳатто банк тизимида хавфсизлик алгоритмлари кучли бўлса ҳам, жабрланувчининг ўзи кодни ёки паролни жиноятчига берса, тизим ҳуқуқбузарликни оддий фойдаланувчи ҳаракати сифатида қабул қилиши мумкин. Бу эса жиноятнинг объектив томонида инсон иродаси, техник восита ва автоматлаштирилган қарор ўртасидаги боғлиқликни алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Исботлашнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари

Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарликда далиллар асосан электрон излар, транзакция тарихи, лог файллар, IP манзиллар, қурилма маълумотлари, чат ёзишмалари, аудио ёзувлар ва электрон ҳужжатлар шаклида намоён бўлади. Шунинг учун терговчи ва тезкор ходимлар ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. А.А. Таштемиров ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигини кучайтириш зарурлигини таъкидлайди[8].

Компьютер техникасини кўздан кечириш ва экспертиза тайинлашда махсус билимлар зарур. А.А. Шаевич компьютер тизимидаги маълумот ташувчи воситада сақланаётган файллар билан бир қаторда маълумот ташувчи воситадан ўчирилган файллар бўйича ҳам экспертиза ўтказиш лозимлигини таъкидлайди[9]. Бу талаб электрон маълумотлар ўчирилганидан кейин ҳам тикланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Дастлабки босқичда тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув тадбирларининг уйғунлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. К.А. Виноградова фирибгарлик жиноятларини тергов қилишда тезкор-қидирув тадбирлари билан тергов ҳаракатларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини қайд этади[10]. Рақамли муҳитда бу уйғунлик далилларни сақлаш, аккаунтларни блоклаш, пул ҳаракатини тўхтатиш ва жиноятчи идентификациясини тезлаштириш учун зарур.

Сабабий боғланиш ва мулкый зарарни аниқлаш

Рақамли фирибгарликда объектив томоннинг энг нозик масалаларидан бири сабабий боғланишни исботлашдир. Анъанавий фирибгарликда жабрланувчи алдангани, мулкни топширгани ва натижада зарар кўргани одатда бир жараён ичида намоён бўлади. Рақамли муҳитда эса бу жараён бир нечта техник ҳаракатлар, автоматлаштирилган операциялар ва учинчи шахслар воситачилиги орқали амалга ошади.

Сабабий боғланишни аниқлашда жабрланувчининг эҳтиётсизлиги ёки рақамли саводхонлиги пастлиги жиноят таркибини инкор этмаслиги керак. Фирибгарликнинг моҳияти айнан жабрланувчининг ишончи, адашиши ёки техник жараённи тўлиқ англамаслигидан фойдаланишда кўринади. Шу сабабли жабрланувчи маълумотни ўзи киритгани жиноятчи ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини камайтирмайди.

Мулкый зарарни ҳисоблашда ҳам рақамли муҳит хусусиятларини инобатга олиш лозим. Электрон пул маблағи, рақамли актив ёки виртуал мулк тез ўзгарувчи қийматга эга бўлиши мумкин. Шу боис зарар миқдорини аниқлашда жиноят содир этилган пайтдаги қиймат, актив ўзлаштирилган пайтдаги бозор нархи ва жабрланувчи реал йўқотган мулкый манфаат алоҳида баҳоланиши лозим.

Суд амалиётида бирхил ёндашув зарурати

Рақамли фирибгарлик бўйича суд амалиётида энг муҳим вазифа ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолатини тўғри квалификация қилишдан иборат. Ҳар қандай электрон алоқа воситаси иштирок этган ҳолатни автоматик равишда рақамли фирибгарлик деб баҳолаш тўғри эмас. Масалан, жиноятчи оддий телефон орқали жабрланувчини алдаган бўлса, лекин кейин пул нақд шаклда олинган бўлса, ахборот технологияси фақат алоқа воситаси сифатида иштирок этган бўлиши мумкин.

Аксинча, жиноятчи электрон тўлов тизими, сохта сайт, мобил илова, мессенжер боти ёки зарарли дастур орқали жабрланувчи маълумотларини қўлга киритиб, мулкый натижага эришган бўлса, ахборот технологияси жиноят механизмининг марказий қисмига айланади. Бундай ҳолатда квалификация оғирлаштирувчи белги асосида амалга оширилиши керак.

Судлар учун асосий мезон ахборот технологиясининг жиноят натижасига таъсир даражаси бўлиши лозим. Агар технология фақат хабар бериш ёки мулоқот воситаси бўлса, у факультатив шароит сифатида баҳоланади. Агар технология алдашни амалга ошириш, маълумотни қўлга киритиш, транзакцияни бошқариш ёки мулкни ўзлаштиришнинг асосий воситаси бўлса, у квалификация белгиси сифатида баҳоланиши зарур.

Шунингдек, судда электрон далилларнинг ишончлилигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Скриншотлар, чат ёзишмалари ёки аудио ёзувлар мустақил равишда эмас, балки уларнинг олинган манбаи, сақланиш тартиби, ўзгартирилмагани ва бошқа далиллар билан мувофиқлиги асосида баҳоланиши керак. Бу ёндашув айбловнинг барқарорлигини таъминлайди.

Рақамли фирибгарлик ишларида жабрланувчи ҳуқуқларини тиклаш ҳам муҳим. Пул маблағлари электрон каналлар орқали тез тарқалиб кетиши мумкин. Шунинг учун судгача босқичда ҳисобварақларни музлатиш, шубҳали транзакцияларни тўхтатиш ва электрон платформа операторларига сўров юбориш механизмлари тезкор қўлланилиши лозим.

Қонунчиликни такомиллаштириш йўналишлари

Рақамли фирибгарликнинг объектив белгиларини таҳлил қилиш амалдаги қонунчиликни аниқлаштириш зарурлигини кўрсатади. Биринчи йўналиш рақамли активлар ва электрон пул маблағларининг фирибгарлик предмети сифатида ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашдир. Бундай қоида ҳуқуқни қўлловчи органларга криптовалюта, электрон ҳамён ва виртуал мулк билан боғлиқ ҳолатларда ягона ёндашувни таъминлаш имконини беради.

Иккинчи йўналиш ахборот тизимидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш усулларини аниқлаштиришдан иборат. Маълумотларни киритиш, ўзгартириш, ўчириш, блоклаш, сохта интерфейс яратиш, фишинг ҳавола тарқатиш ва зарарли дастурдан фойдаланиш каби ҳаракатлар жиноятнинг объектив томонини тавсифловчи муҳим белгилар сифатида ҳуқуқий тушунтиришларда акс этиши керак.

Учинчи йўналиш Олий суд Пленумининг фирибгарликка оид тушунтиришларини рақамли муҳитда содир этиладиган фирибгарликнинг ўзига хос хусусиятлари билан бойитишдан иборат. Хусусан, судлар учун электрон далилларни баҳолаш мезонлари, рақамли изларнинг ишончилигини текшириш, жабрланувчининг электрон муҳитдаги ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда автоматлаштирилган транзакциялар натижасида юзага келган мулкӣ оқибатларни квалификация қилиш бўйича аниқ тушунтиришлар ишлаб чиқиши зарур.

Тўртинчи йўналиш терговчилар ва тезкор ходимлар учун махсус методик тавсиялар ишлаб чиқишдир. Унда рақамли далилларни йиғиш, сақлаш, қўчириш, экспертизага тақдим этиш, мессенжер ва ижтимоий тармоқлардан маълумот олиш, банк транзакцияларини тезкор кузатиш ва халқаро маълумот сўраш тартиби акс этиши керак.

Бешинчи йўналиш халқаро ҳамкорликни кучайтиришдир. Трансчегаравий фирибгарлик ҳолатларида электрон далиллар тез йўқолиши ёки бошқа юрисдикцияга ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун рақамли далиллар бўйича тезкор маълумот алмашиш, сервер маълумотларини вақтинча сақлаб қолиш ва хорижий платформалар билан ҳуқуқий ҳамкорлик механизмлари такомиллаштирилиши лозим.

Хулоса

Рақамли муҳитда фирибгарлик жиноятининг объектив белгиларини таҳлил қилиш ушбу жиноят анъанавий фирибгарликнинг оддий техник кўриниши эмаслигини кўрсатади. Унда мулкчилик муносабатлари асосий объект сифатида салонами, аммо ахборот тизимлари хавфсизлиги, шахсий маълумотлар дахлсизлиги, электрон тўловлар барқарорлиги ва рақамли ишонч муҳити қўшимча объект сифатида намоён бўлади.

Рақамли муҳитда фирибгарлик жинояти предметининг мазмуни ҳам анъанавий доирадан кенгайиб бормоқда. Электрон пул маблағлари, рақамли активлар, криптовалюталар, виртуал мулк ва электрон шаклдаги талаб ҳуқуқлари мулкӣ қийматга эга бўлгани сабабли жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида эътироф этилиши лозим. Шу боис қонунчиликдаги мулк ва мулкӣ ҳуқуқларга оид тушунчаларни рақамли иқтисодиёт талабларига мос равишда аниқлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Объектив томоннинг асосий хусусияти алдовнинг рақамли воситалар орқали амалга оширилишида кўринади. Техник қурилма ёки ахборот тизими алдовнинг мустақил объекти эмас. Улар инсонга таъсир қилиш, унинг маълумотларини қўлга киритиш ва автоматлаштирилган транзакция орқали мулкӣ натижага эришиш воситаси сифатида хизмат қилади.

Трансчегаравийлик, рақамли далилларнинг тез ўзгарувчанлиги ва ижтимоий муҳандислик усулларининг кенг қўлланилиши рақамли фирибгарликни тергов қилишни мураккаблаштиради. Шу сабабли жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси ва криминалистика ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш, терговчиларнинг рақамли компетенциясини ошириш ва суд амалиётини бирхиллаштириш зарур.

Умуман олганда, рақамли фирибгарликнинг объектив белгиларини тўғри аниқлаш жиноятни квалификация қилиш, жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш, рақамли

далилларни тўғри баҳолаш ва ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликка қарши самарали курашиш учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Рустамбаев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Тошкент, Адолат, 2010. Б. 198-199. (Rustambayev M.G. Criminal Law. Special Section. Textbook. Tashkent, Adolat, 2010. pp. 198-199.)
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. National Database of Legislative Information, Lex.uz.) Lex.uz. <https://lex.uz/uz/docs/-111453>
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сон “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, Lex.uz. (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated June 23, 2023 No. 17 "On judicial practice in fraud cases". National Database of Legislative Information, Lex.uz.) <https://lex.uz/docs/-6523582>
4. Таштемиров А.А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари // Eurasian Journal of Technology and Innovation. 2024. Vol. 3. Issue 6. С. 25-32. (ashtemirov A.A. Description and Features of Fraudulent Crimes Committed with the Use of Information Technology // Eurasian Journal of Technology and Innovation. 2024. Vol. 3. Issue 6. pp. 25-32.)
5. Кудрявцев В.Н. Объективная сторона преступления. Москва, Юридическая литература, 1960. С. 9-14. (Kudryavtsev V.N. The Objective Side of the Crime. Moscow, Yuridicheskaya Literatura, 1960. pp. 9-14)
6. Самиулина Я.В. Мошенничество в сфере компьютерной информации. Проблемы законодательной регламентации // Вестник СЮИ. 2023. № 3. С. 62-65 (Samiulina Ya.V. Fraud in the Sphere of Computer Information. Problems of Legislative Regulation // Bulletin of the Syurid Law Institute. 2023. No. 3. pp. 62-65.).
7. Зенченко Е.П., Ивлиева Н.В. Мошенничества, совершаемые с использованием информационных технологий на территориях государств участников СНГ // Научный портал МВД России. 2023. № 3. С. 118-124. (Zenchenko E.P., Ivlieva N.V. Fraud Committed with the Use of Information Technologies in the Territory of the CIS Member States // Scientific Portal of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2023. No. 3. pp. 118-124)
8. Таштемиров А.А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies. 2022. Т. 2. № 12. С. 156-164. (Tashtemirov A.A. Some Aspects of Cooperation between Operatives, Investigators, and Inquiry Officers in Solving Frauds Committed with the Use of Information Technologies // Central Asian Scientific Journal of Interdisciplinary Research. 2022. Vol. 2. No. 12. pp. 156-164)
9. Шавевич А.А. Особенности использования специальных знаний в сфере компьютерных технологий при расследовании преступлений. Автореферат диссертации кандидата юридических наук. Иркутск, 2007. 24 с. (Shaevich, A.A. "Specialized Computer Knowledge in Crime Investigation: Key Features." Abstract of a Candidate of Law's Dissertation. Irkutsk, 2007. 24p.)
10. Виноградова К.А. Особенности методики расследования отдельных видов мошенничеств на первоначальном этапе // Расследование преступлений. Проблемы и пути их решения. 2015. № 1. С. 106-110. (Vinogradova, K.A. "Specifics of the Methodology for Investigating Certain Types of Fraud at the Initial Stage." Crime Investigation: The Problem I Found. 2015. No. 1. pp. 106-110)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.